

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳақиқий аъзолиги (академиклиги)га
номзодларни танлов асосида саралаш мезонлари**

Т/р	Танлов асосида саралаш мезонлари	Баллар миқдори*
1.	Халқаро рейтинг**	30 баллгача
1.1.	рейтинг шкаласи 1 — 2	5 балл
	рейтинг шкаласи 3 — 5	10 балл
	рейтинг шкаласи 6 — 8	20 балл
	рейтинг шкаласи 9 — 11	25 балл
	рейтинг шкаласи 12 ва ундан юқори	30 балл
1.2.	<i>Агар талабгорнинг рейтинги ноль бўлса, унинг илмий ишларни нашр этишидаги фаоллиги Web of Science халқаро маълумотлар базаси ёрдамида ҳисобланган импакт-факторлар йиғиндисига асосланган ҳолда қуйидагича баҳоланади:</i>	
	импакт-факторлар йиғиндисига 5 гача	2 балл
	импакт- факторлар йиғиндисига 5 — 10	3 балл
	импакт- факторлар йиғиндисига 11 — 20	5 балл
	импакт- факторлар йиғиндисига 21 ва ундан юқори	10 балл
2.	Web of Science халқаро маълумотлар базасига киритилган юқори рейтингли мақолалар билан ҳужжатли тарзда тасдиқланган энг салмоқли илмий натижалар	15 баллгача
2.1.	янги ҳодисанинг кашф этилиши	8 балл
2.2.	янги назариянинг яратилиши	4 балл
2.3.	бошқалар	3 балл
3.	Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш	15 баллгача
3.1.	икки нафар фан доктори (тиббиёт йўналишлари учун — уч нафар фан доктори)	5 балл
3.2.	уч нафардан беш нафаргача фан докторлари (тиббиёт йўналишлари учун — тўрт нафардан тўққиз нафаргача фан докторлари)	7 балл
3.3.	Олти нафар ва ундан ортиқ фан доктори (тиббиёт йўналишлари учун — ўн нафар ва ундан ортиқ фан докторлари)	10 балл
3.4.	Бир нафардан беш нафаргача фан номзодлари ёки фалсафа докторлари (тиббиёт йўналишлари учун — бир нафардан тўққиз нафаргача фан номзодлари ёки фалсафа докторлари)	2 балл
3.5.	олти нафардан тўққиз нафаргача фан номзодлари ёки фалсафа докторлари (тиббиёт йўналишлари учун — ўн нафардан ўн тўққиз нафаргача фан номзодлари ёки фалсафа докторлари)	4 балл
3.6.	ўн нафар ва ундан ортиқ фан номзодлари ёки фалсафа докторлари (тиббиёт йўналишлари учун — йигирма нафар ва ундан ортиқ фан номзодлари ёки фалсафа докторлари)	5 балл
4.	Патентлар, монографиялар ва дарсликлар	10 баллгача
4.1.	биттадан учтагача хорижий патентлар	2 балл
4.2.	тўрт ва ундан ортиқ хорижий патентлар	4 балл
4.3.	биттадан учтагача Ўзбекистон Республикаси патентлари ёки муаллифлик гувоҳномалари	1 балл
4.4.	тўрт ва ундан ортиқ Ўзбекистон Республикаси патентлари ёки муаллифлик гувоҳномалари	2 балл
4.5.	хорижда нашр этилган битта монография ёки монографиялардаги боблар	1 балл
4.6.	хорижда нашр этилган икки ва ундан ортиқ монография ёки	3 балл

	монографиялардаги боблар	
4.7.	Ўзбекистонда нашр этилган монографиялар ва дарсликлар	1 балл
5.	Илмий-техник фаолият натижаларининг жорий этилиши	10 баллгача
5.1.	яратилган технология, маҳсулот ва буюмларнинг биттадан тўрттагача лицензияларини сотиш	3 балл
5.2.	яратилган технология, маҳсулот ва буюмларнинг бешта ва ундан ортиқ лицензияларини сотиш	5 балл
5.3.	битта ишланманинг амалиётга жорий этилиши	2 балл
5.4.	икки ва ундан ортиқ ишланмаларнинг амалиётга жорий этилиши	3 балл
5.5.	тан олинган халқаро маълумотлар банкларини яратиш ёки бойитиш	2 балл
6.	Давлат мукофотлари ва халқаро мукофотлар	10 баллгача
6.1.	фахрий унвонлар ёки халқаро мукофотлар	6 балл
6.2.	орденлар ва медаллар	4 балл
7.	Танлов комиссияси мажлисида илмий маърузанинг баҳоланиши***	10 баллгача
Жами баллар		100

* Барча бандлар бўйича тўпланадиган баллар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланиши лозим. Қўйилган балларнинг ҳаққонийлиги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Президиуми шакллантирадиган танлов комиссиялари ҳузуридаги эксперт гуруҳлари томонидан текширилади.

** Олимларга унвонлар бериш ва уларни академия аъзолигига сайлаш учун дунёда уларнинг илмий ишларига ҳаволаларнинг даражасини кўрсатувчи рейтинглар шкаласи (Хирш индекси)дан фойдаланилади. Рейтинг холис, олимларнинг ўзлари иштирок этмаган ҳолда, Web of Science халқаро маълумотлар базаси томонидан белгиланади. Ҳар қандай олим, шунингдек, танлов комиссиялари ҳузуридаги эксперт гуруҳлари талабгорнинг рейтингини <https://www.webofscience.com/wos/author/search> веб-сайтида бир зумда баҳолаши мумкин.

*** Мазкур банд баллари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳақиқий аъзолиги (академиклиги)га номзоднинг маърузаси натижаларига кўра танлов комиссиялари томонидан қўйилади.